

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлигининг
2023 йил 17 октябрдаги 157-сонли
буйруғига 10-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва тизим
ташкилотлари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва
одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат
текширувлари ўтказиш бўйича
РЕГЛАМЕНТ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий хужжатларини бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда – хизмат текшируви) ўтказишни белгиловчи ички идоравий хужжати ҳисобланади.

2. Мазкур Регламент қўйидаги мақсадларда ишлаб чиқлган:
Вазирликда хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;
хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини хужжатлаштириш талабларини белгилаш;

Вазирликда қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

Вазирликда қабул қилинган ички хужжатлар ва назорат таомилларида камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиши;

Вазирлик ва унинг ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

3. Хизмат текшируvida иштирок этаётган Вазирлик ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

4. Вазирлиқдаги хизмат текшируви қўйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

қонунийлик;
Вазирлик ходимларининг хуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;
фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;
хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг конфиденсиаллиги;

Вазирлик ходимлари томонидан хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиаллик, бетарафлик ва холислик;

Хизмат текшируви олиб борилаётган Вазирлик ходимнинг айбизизлик презумпцияси.

2-боб. Хизмат текширувини тайинлаш

5. Хизмат текшируви Вазирлик ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилғанлиги түғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

6. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

Вазирлик ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирликнинг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг хulosалари;

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими (кейинги ўринларда – Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими) томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларининг топшириклари;

Бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

7. Куйидагилар хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Вазирлик раҳбари ва унинг ўринбосарлари;

худудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

Вазирликнинг Одоб-ахлоқ комиссияси;

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими (коррупцияга қарши курашишга масъул ходимдар);

Вазирликнинг ички аудит ва молиявий назоратга жавобгар таркибий бўлинмаси раҳбари;

Вазирликнинг юридик хизмати раҳбари;

Вазирликнинг кадрлар билан ишловчи бўлинмалари раҳбарлари.

8. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида мазкур Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган манбалардан келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими хизмат текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек, келиб тушган маълумотнинг Вазирлик ходимларига алоқаси борйўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан дастлабки текширув ва тахлил қилишни амалга оширадилар.

9. Бунда устидан хизмат текшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

10. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

11. Дастлабки текширув хизмат текшируви ҳисобланмайди.

12. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича Вазирликга алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилгани, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими раҳбари Вазирлик раҳбари ёки унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбари номига ёзма хизмат хабарини жўнатади.

13. Агар хизмат текшируви Вазирликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбари ёки унинг ўринbosарларига нисбатан тайинланган бўлса, хизмат хабари Вазирлик раҳбарининг номига ёзилади.

14. Агар хизмат текшируви вазир ёки унинг ўринbosарларига нисбатан тайинланган бўлса, (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирликнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган коррупциявий хатти-ҳаракатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашувини яширишга оид ҳолатларини содир этганликда гумон қилинган ҳолларда) у ҳолда тегишли маълумотлар Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

15. Вазирлик ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари хизмат хабари олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунида хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қиласди.

16. Вазирлик ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари хизмат хабарига асосан тегишли материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

17. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда Вазирлик ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гурух раҳбарини тайинлайди ва унга ишчи гурух таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ тайёрлаш вазифасини топширади.

18. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қўйидагилар кўрсатилади:

хизмат текшируви предмети (мавзуси);

хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;
хизмат текшируви ўтказишига сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг Ф.И.Ш. ва лавозими (бошқарма, бўлим) номи) маълум бўлса;
хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гуруҳ таркиби;
Ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарининг хуқуқ ва мажбуриятлари;
хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.
19. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси Вазирлик ёки ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарига имзолаш учун хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб 3 кун ичida тақдим этилиши керак.

3-боб. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш

20. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, Ишчи гуруҳ раҳбари таклифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Юридик бўлим, ва Молия-иктисод ва хўжалик фаолияти бошқармалари ҳамда лавозим мажбурияти хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари киритилиши мумкин.

21. Таркибий ва ҳудудий бўлинмалар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ таркибига Вазирлик марказий аппарати ходимлари киритилиши мумкин.

22. Қўйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига киритилмайди:
хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;
хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсинувидаги ходим;
хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари (Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари бундан мустасно);
Хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарининг ўринbosарлари;
текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошкора зиддиятга эга ва ҳ.к.) бўлган бошқа ходимлар.

23. Ишчи гуруҳни шакллантириш учун маъсулият ишчи гуруҳ раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган потенсиал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гуруҳ аъзоларини текшириши шарт.

4-боб. Хизмат текширувини ўтказиш

24. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзолаган санадан бошлаб 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши керак.

25. Агар хизмат текшируви жараёнида 24-бандда кўрсатилган муддатларнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказилиши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари бу ҳақда маълум бўлиши билан мажбурий тартибда, хизмат текшируви тўғрисидаги буйруқни имзолаган раҳбарни хабардор қиласи). Бундай ҳолатларда, хизмат текширувини ўтказиш муддатлари 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

26. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим йўқ бўлган ҳолда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), у вақтинча тўхтатилади, унинг муддати эса автоматик тарзда ушбу ходим йўқ бўлган даврга узайтирилади.

Агар ходим 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга йўқ бўлган ёки хизмат текшируvida иштирок этишдан бошқа усул билан бош тортган ҳолда, хизмат текшируви Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

27. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гуруҳ раҳбарининг тавсиясига асосан Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари буйруғи билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинганд буйруқ ҳақида, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ўша куниёқ буйруққа имзо чектирилган ҳолда таниширилади. Буйруқ билан танишиш рад этилган ҳолда бу ҳақида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

28. Ходимга нисбатан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишга оид буйруқ хизмат текшируви ўтказишнинг муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5-боб. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар

29. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;

қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Вазирликнинг ички идоравий ҳужжатлари талблари;

қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;

қоидабузарликни содир этишга жалб қилинганд шахслар доираси (Вазирлик ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);

қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;

Вазирликга етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеристидаги заарарнинг кўриниши ва кўлами;

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

30. Хизмат текширувани ўтказиш давомида олинадиган маълумотлар манбаси қуидагилар бўлиши мумкин:

устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, Вазирликнинг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;

тасдиқловчи хужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);

интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;

аудиоёзувлар, фото- ва видеосъёмкалар;

қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

31. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденсиал маълумотлар ишчи гурӯҳ томонидан Вазирликда қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда, шунингдек, Вазирликнинг ички хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиниши ва фойдаланилиши керак.

32. Вазирлик ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган сұхбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, сұхбат тўғрисида баённома тузилиши керак (аудио ёки видео қайд хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин сұхбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса аудио ва видео қайдни амалга оширувчи ускуналардан фойдланишга йўл қўйилмайди.

33. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг сұхбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг 1-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

34. Ишчи гурӯҳ раҳбари мазкур ходимни далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қиласи. Агар ходим хужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гурӯҳ раҳбари хужжатга тегишли белги қўяди.

35. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (ёки бошқа хужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қиласи.

6-боб. Ишчи гурӯҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

36. Ишчи гурӯҳ раҳбари сизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гурӯҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

37. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гурӯҳ раҳбари қуидаги вазифаларни амалга оширади:

Хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари, амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гурӯҳ аъзолари олдига вазифалар қўяди;

Ишчи гурух томонидан хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

Ишчи гурух томонидан хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қиласди;

сұхбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

Хизмат текширувини холис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди (масалан, Вазирликдаги маълумотларни йўқ қилиш жараёнларини тўхтатиб туришни талаб қиласди, тегишли ходимларга нисбатан текширув ўтказилаётган даврда маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйишни тавсия қиласди, зарурият туғилганда текширувни ўтказишнинг максимал муддатларини узайтириш бўйича таклиф тайёрлади ва х.к.);

Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарига хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

38. Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гурух раҳбари ва аъзолари куйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлик ходимлари билан сұхбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташқи экспертларни жалб қилиш масаласи Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишилиши шарт;

сұхбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио- ва видеоқайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш;

Вазирлик ходимларидан хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

Вазирликнинг мулкининг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш;

Ўтказилаётган Хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото- ва видеоқайдларни амалга ошириш.

39. Ишчи гурух раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

Хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, Вазирликнинг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг (хужжатлар, электрон маълумотлар ва бошқ.) бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш;

мазкур Регламент, Вазирликнинг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо конфиденсиаллигини сақлаш ва ошкор қилмаслик;

мазкур Регламент талабларига мувофиқ равища текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан, жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни кўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7-боб. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг хукуқлари

40. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қўйидаги хукуқларга эга:

хизмат текшируви ўтказиши факти тўғрисида хабардор бўлиш;

қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, хизмат текширувининг бориши хақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш хукуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш – бу ҳолда ушбу Регламентнинг 33-бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади;

ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган хизмат текшируви, хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган ҳужжат ва материалларга кўшиб қўйишни талаб қилиш;

хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичида хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш хукуқига эга бўлмаган конфиденсиал ахборотдан ташқари);

хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув якунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан Вазирлик раҳбарига ёки юкори турувчи идораларга шикоят қилиш.

8-боб. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

41. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар хизмат текширувини ўтказишида ишчи гуруҳга ҳар томонлама қўмак бериш, шу жумладан, хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни беришлари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этиладиган сухбатла иштирок этишлари шарт.

42. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар уларнинг текширувда иштирок этишлари сабабли уларга маълум бўлган хизмат текшируви маълумотларини ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

43. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар қўйидаги хукуқларга эга:

Ўзлари ва яқин қариндошларга қарши гувоҳлик бермаслик;

Вазирлик раҳбарига ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

9-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

44. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

45. Маълумотнома мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмидан иборат бўлади.

46. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган, ишчи гуруҳ аъзоси шунингдек устидан хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркалган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

47. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

48. Маълумотномага асосан Вазирлик, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари қуидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан Хизмат текшируви тўхтатиш;

сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда Хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса – ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик характердаги чораларни қўллаш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

хуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

49. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлимига, кадрлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларга тақдим этилади.

50. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек, кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

10-боб. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

51. Хизмат текшируvida иштирок этаётган Вазирлик ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденсиаллигини

таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

52. Ўтказилган хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат Вазирлик раҳбари, Коррупцияга карши қурашиш ва комплаенс назорат бўлими ва ишчи гурухл аъзолари (мазкур ишчи гурух аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича) эга.

53. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган Хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун Вазирлик, худудий ва таркибий бўлинма раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

54. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гурух раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда Коррупцияга карши қурашиш ва комплаенс назорат бўлими ва Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимига топширилади.

55. Вазирликнинг марказий аппаратидаги Коррупцияга карши қурашиш ва комплаенс назорат бўлими, худудий ва таркибий бўлинмалардаги ушбу вазифа юклangan бўлинмалар мазкур Регламентга З-иловага мувофиқ шаклда хизмат текширувлари электрон реестрини юритилишини таъминлайди. Худудий ва таркибий бўлинмалар ўтказилган хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чоракда Коррупцияга карши қурашиш ва комплаенс назорат бўлимига тақдим этишлари шарт.

56. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) йил давомида сақланиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги ва тизим ташкилотларида
ходимларининг коррупциявий хатти-
харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш
холатлари устидан хизмат текширувлари
ўтказиш бўйича Регламентга 1-илова**

ДАЛОЛАТНОМА

“___” 20___ й.

Биз, қуида имзо қўювчилар

(Ф.И.Ш., лавозими)

(Ф.И.Ш., лавозими)

(Ф.И.Ш., лавозими)

Ходим (Ф.И.Ш., лавозими) 20___-йилнинг “___” _____ да

бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш
таклиф этилган бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида
ушбу актни туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (Ф.И.Ш.,
лавозими) қуидагилар билан изоҳлади

(тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолатнома тузган шахслар имзоси:

(имзо) (Ф.И.Ш.)

(имзо) (Ф.И.Ш.)

(имзо) (Ф.И.Ш.)

Далолатнома билан танишдим*: (Ф.И.Ш., лавозим, сана, имзо)

* Далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гурух раҳбари “имзолашдан бош тортди” ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги ва тизим ташкилотлари
ходимларининг коррупциявий хатти-
харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш
холатлари устидан хизмат текширувлари
ўтказиш бўйича Регламентга 2-илова**

**Хизмат текшируви натижалари тўғрисида маълумотнома
—сон**

1. Асос: Вазирлик раҳбарининг буйруғи (сана ва рақами)

2. Ишчи гурӯҳ таркиби:

Ишчи гурӯҳ раҳбари _____

(лавозими, фамилияси, инициаллари)

Ишчи

гурӯҳ

аъзолари

(лавозими, фамилияси, инитсиаллари)

3. Хизмат текширувини ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиш учун асос (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни): _____

5. Баён қисми (хизмат текшируvida аниқланган фактлар):

қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;

қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (Ф.И.Ш., лавозими, (тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;

қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбордорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз ҳимояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.

6. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг ҳаракат(лар)ида (ҳаракатсизлигига) қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Вазирликнинг ички ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмuni;

қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характеристи ва кўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида

айбор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;

қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш зарурияти.

Ишчи гурух аъзолари имзолари:

Маълумотнома билан танишдим*:

(Ф.И.Ш., лавозими)

(имзо)

(сана)

* Маълумотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гурух раҳбари “имзолашдан бош тортди” ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги ва тизим ташкилотлари
ходимларининг коррупцияий хатти-
харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини
бузиш ҳолатлари устидан хизмат
текширувлари ўтказиш бўйича
Регламентга
З-илова

Хизмат текширувлари электрон реестри

№	Номинал	Сумма
1	2	Хизмат текшируви ўтказиш Тўғрисидаги буйруқ раками ва санаси
2	3	Ўтказилган хизмат текшируви нагижалари тўғрисидаги мальумотнома раками ва санаси
3	5	Хизмат текшируви ўтказиш даври
4	6	Ишчи гурӯҳ таркиби
5	7	Коидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушибан манба
6	8	Хизмат текшируви ўтказиш йўналишларининг кискача таърифи
7	9	Текширув натижаларининг кискача тарьифи
8	10	Аниқланган айбдор шахслар рўйхати
9	11	Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар
10	12	Муддатлар ва ижро учун масъул
11	13	Амалда бажарилганилик тўғрисидаги ахборот